Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2015-yil 23-iyun, seshanba, № 76 (3581)

- Янгиликлар
- Воқеалар
- Хабарлар

ВАТАНИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 24 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Жиззах воҳаси мустақиллик йилларида иқтисодий жиҳатдан юксалди. Етакчи соҳаларни модернизация қилиш, замонавий корхоналар барпо этиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатини ривожлантиришга қаратилаётган эътибор бу борада муҳим аҳамият касб этди.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби Жиззахда ҳам кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Айниқса, шаҳар-у қишлоқларга ўзгача зеб бериб турган, замонавий меъморчилик намунаси бўлган мактаб ва коллежлар, мусиқа ва санъат мактаблари, спорт мажмуалари ҳавасингизни келтиради. Бу каби яратувчанлик ишлари озод ва обод юртимизда ҳукм сураётган тинч-осуда ҳаёт туфайли юз кўрсатмоқда.

ЎзА суратлари

БУГУНИ ФАРОВОН, ЭРТАСИ НУРАФШОН ВОҲА

ИҚТИСОДИЁТГА БИР НАЗАР

Вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ўсиш суръати жорий йилнинг ўтган даврида 8,7 фоизни ташкил этди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 9,4, қурилиш ишлари 10,4, чакана товар айланиши 19,3 фоизга ўсди.

Ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, кичик бизнесни ривожлантириш чора-тадбирлари натижасида йилнинг биринчи чорагида 361 та кичик бизнес субъекти ташкил этилди.

Ушбу субъектларни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида тижорат банклари томонидан 81,7 миллиард сўм кредит маблағлари ажратилиб, шундан 23,4 миллиард сўми саноатни ривожлантиришга йўналтирилди.

Саноат соҳасида 18 та, хизмат кўрсатишда 62 та, қишлоқ хўжалиги йўналишида 48 та лойиҳа амалга оширилди.

Маҳаллийлаштириш дастури доирасида 13,1 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 1,7 миллион АҚШ доллари миқдорида валюта иқтисод қилишга эришилди.

Барча манбалар ҳисобидан 174,5 миллиард сўмлик капитал маблағлар ўзлаштирилди.

Президентимизнинг 2013 йил 18 мартдаги "Жиззах" махсус индустриал зонасини барпо этиш тўғрисида"ги Фармони вилоят тараққиётини янги босқичга кўтаришда муҳим омил бўлди. Ушбу тарихий ҳужжат асосида воҳада улкан қурилиш ва бунёдкорликлар бошланиб кетди.

Жиззах шаҳрининг саноат ҳудудида "Жиззах махсус индустриал зонаси"ни ташкил этиш ва жами қиймати 286,1 миллион АҚШ долларига тенг бўлган етмишта йирик қувватни ишга тушириш юзасидан бошланган кенг кўламли ишлар бунинг исботидир.

(Давоми 2-саҳифада).

ХОРАЗМ

Қўшкўпир туманининг олис қишлоғи саналмиш Оқдарбандда маданият ва аҳоли дам олиш маркази қад ростлагани, айниқса, ёшларнинг қувончига-қувонч қўшди.

Маданият маркази ёшлар ихтиёрида

Марказда рубоб, доира, бахшичилик, рақс, бичиш-тикиш ва фотостудия сингари тўгараклар очилиши кўзда тутилган. Бу ерда 9 нафар малакали ходим ёшлар билан машғулот олиб боради. Шунингдек, масканда 250 нафар томошабинга мўлжалланган зал мавжуд.

— Қишлоқда бундай бинонинг барпо этилиши истиқлол шарофатидан, — дейди меҳнат фахрийси, педагог Х.Матназаров. — Бу келажак эгалари камолоти учун ғамхўрлик намунасидир. Ажаб эмас, марказдан моҳир санъаткорлар, ҳунармандлар етишиб чиқса.

Мехрибон ТИЛЛАЕВА

НАВОИЙ

Зарафшон шаҳрида болалар ва ўсмирлар мириқиб дам оладиган маскан — "Камалак" аква боғи фойдаланишга топширилди.

"Камалак" рангларин сочди

Мазкур боғнинг тўла қувват билан ишлаши учун қарийб 3 миллиард сўм сарфланди. Навоий кон-металлургия комбинати Зарафшон қурилиш бошқармаси томонидан барпо этилган маскан 1,3 гектар майдонни эгаллайди. Ҳозирда 21 минг туп анвойи гуллар ҳамда 850 дона манзарали дарахт, турли фавворалар мўъжаз боғ чиройига чирой қўшган. 3 та чўмилиш ҳавзаси, сузишга мўлжалланган айланма анҳор, энг замонавий аттракционлар болажонлар хизматида. Шунингдек, тиббий хизмат нуқтаси, музқаймоқ ва салқин ичимлик дўконлари, сайр ва ҳордиқ чиқариш учун кўнгилочар хиёбонлар мавжуд.

Мафтуна ИДИЕВА

БУХОРО

Бухоро шаҳрининг марказий истироҳат боғида миллий ўйинлар республика фестивалининг вилоят босқичи ўтказилди.

Миллий ўйинлар фестивали

Республика Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан ташкил этилаётган мазкур фестивалнинг асосий мақсади аждодларимиздан мерос бўлиб келаётган миллий ўйинларни асраш, унутилиб бораётган турларини тиклаш, кенг тарғиб қилиш, шунингдек, ёшлар қалбида маънавий меросимизга ҳурмат туйғусини шакллантиришга қаратилган.

Тадбирда вилоятнинг шаҳар ва туманларидан ташриф буюрган жамоалар маҳоратини намойиш этишди. Улар бештош, ошиқ, миллий кураш, арқон тортиш, аккол, ланка, оқ теракми-кўк терак каби халқ ўйинларида кучларини синаб кўришди. Ҳайъат аъзоларининг хулосасига кўра жозиба, чаққонлик ва маҳорат бобида юқори натижаларни қўлга киритган Ғиждувон тумани жамоаси ғолибликка эришди ва фестивалнинг республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Иззатулла ҲОЖИЕВ,
"Ishonch" мухбири

ИСЛОҲОТ ОДИМЛАРИ

СИФАТЛИ, ХАРИДОРГИР

"White Machine Technology" МЧЖ шаклидаги Ўзбекистон — Жанубий Корея қўшма корхонасининг "Электроника" филиали Нукусда иш бошлаганига беш йил бўлди. Бу ерда "SAMSUNG" савдо белгиси остида маиший чангютгич ишлаб чиқарилмоқда.

2011 йилда 8178 дона маиший техника маҳсулоти ишлаб чиқарилган бўлса, ўтган йили 125 минг дона чангютгич савдо нуқталарига етказиб берилди.

— Қўшма корхонамизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг 40 фоиз бутловчи қисмлари ўзимизда тайёрланяпти, — дейди бош муҳандис Ғулом Маматқулов. — Беш йил аввал бир хил русумдаги чангютгичлар ишлаб чиқарган бўлсак, бугун беш турдаги маиший техника маҳсулотлари дўкон пештахталаридан ўрин олмоқда.

Ишчилар учун корхонада етарлича шарт-шароит яратилган. Ойлик маошлари ўз вақтида бериб борилади. Ҳар чоракда маошга қўшимча мукофот пуллари, меҳнат таътилига чиқувчилар учун ойлик маош миқдорида қўшимча ёрдам берилади. Корхона ишчиларининг оғирини енгил, олисини яқин қилаётган "Газел" русумли автоулов доимий хизматда.

— Жамоамиз асосан ёшлардан ташкил топган, — дейди касабақўм етакчиси Фарҳод Холмуратов. — Ишчиларимиз ўз касбларига масъулият билан ёндашади, жамоат ишларида ҳам фаол.

"Электроника" корхонасида ишлаб чиқарилаётган маиший чангютгичлар ўзининг сифати, бежиримлиги ва ҳамёнбоплиги билан ҳам харидоргир бўлмоқда.

Ортиқбой МАМУТОВ,
"Ishonch" мухбири.
Мансур МАТКАРИМОВ олган сурат

ҚАРИЯЛАР — ХОНАДОНЛАРИМИЗ ФАЙЗИ

«САХОВАТДА ҲИКМАТ КЎП...»

дейди Умар ҳожи бобо Қандов

Умар бобо саҳарликдан олдин дарвозасини кенг очиб қўйди. Болалигидан шунга одатланган. Раҳматли онаизори Тўхтаой буви, саҳарда эшиги очиқ хонадонга қутбарака кириб келади, деб ўргатганди. Ҳожи бобо уйга кирганида Ўғилой буви аллақачон саҳарлик дастурхонини тузаб, уни кутиб турарди.

Чол-кампир ундан-мундан гапириб, саҳарлик қилишди. Бугун уч жойда ифторликка айтиб кетишганини эшитиб, ҳожи бобо ўзича мулоҳаза қилди. Озодлик ва тинчликдан одамлар баҳра олиб, бойиб бораяпти. Қайси бирига борсам экан, қошу кўздек қадрдонларимиз.

Чолининг кўнглидан кечганларини билгандай кампири гап қўшди:

— Гулчеҳраникига боринг. Бева боши билан дастурхон ёзаяпти.

— Тоғдай икки ўғли, тагида иккита машинаси бор. Ўзи тадбиркор бўлса, бева-бечоралиги қолдими уни! Сен ташвиш қилма. Биз неваранг Шердор билан машинада ғизиллаб барига бир-бир кириб чиқамиз.

Беш нафар фарзанди, 20 га яқин невара, 3 чеварали пири бадавлат ҳожи бобо ва ҳожи она тонгги ибодатларида юртга тинчлик, элга фаровонлик, ҳосилга барака, ёшларга умр, қариларга иймон тилашди, нуронийларни эъзозлаётган, эзгу ишлар раҳнамосини алоҳида дуо қилишди.

(Давоми 3-саҳифада).

КАСАБА УЮШМА КАШФИЁТЛАРИ

ЭЪТИРОФ ИЗЛАНИШГА РУҲЛАНТИРДИ

Ўзбекистон чинакамига имкониятлар мамлакати экани амалда ўз ифодасини топмоқда. Кўпчилик қатори мен ҳам мавжуд имтиёзлардан оқилона фойдаланишга ҳаракат қилаяпман. Жумладан, ўтган йил касаба уюшмалари томонидан ташкил этилган "Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси" танловининг "Энг фаол ёш ўқитувчи" номинацияси бўйича Республика босқичида 1-ўринни қўлга киритиш насиб этди.

Воқеалар ривожида истиқлолимизнинг 23 йиллиги муносабати билан ўтказилган Ёш мутахассислар II Республика форумида иштирок этдим ва танлов ғолиби сифатида чет элда малака ошириш курсига йўлланма олдим.

Ушбу танлов ютуқларим дебочаси бўлди. Эътироф изланишга руҳлантирди. Таълим соҳасида бир қанча янгиликлар яратишга эришдим. Шулардан бири "Мутахассислик бўйича инглиз тилини ўрганиш тест танлови" дастуридир. Ушбу дастур ҳозирда Муборак туманидаги барча коллежларнинг таълим жараёнида қўлланилмоқда. Шу билан бирга, компютер процессори ҳамда хона ҳароратини ўлчайдиган термометрни кашф қилдим. Ушбу кашфиётим Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясида амалиётда фойдаланиш учун кўриб чиқилмоқда.

"Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси" танлови якунларидан илҳомланиб, бир неча марта республика илмий-амалий семинарларда мақолаларим билан қатнашдим. Изланишларим натижасида "Компьютер графикаси" фани бўйича таълим технологиясини яратдим. Эътиборли томони, ушбу китобдан республикадаги барча касб-ҳунар коллежларида дарс жараёнида фойдаланиб келинаяпти.

(Давоми 2-саҳифада).

2015-yil 23-iyun, seshanba, № 76 (3581), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz



БУГУНИ ФАРОВОН, ЭРТАСИ НУРАФШОН ВОҲА

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

«Жиззах МИЗ»: ТАРАҚҚИЁТ ХИЗМАТИДА

Вилоятда машинасозлик, электротехника, озиқ-овқат ва фармацевтика, тиббиёт маҳсулотлари, шунингдек, қурилиш саноатига ихтисослашган кўплаб ноанъанавий йирик қувватлар бирин-кетин ишга туширилмоқдаки, пировардида ички истеъмол бозорини янги ва арзон маҳсулотлар билан тўлдириш баробарида, минглаб янги иш ўринлари яратилмоқда. Буларнинг барчаси юрт фаровонлиги, эл дастурхони тўкинлигига хизмат қилаётир.

"Жиззах" махсус индустриал зонаси ҳудудида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ва инвесторлар учун қулай муҳит яратиш борасида икки йўналиш, яъни инфратузилма яратиш ва инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш юзасидан изчил ишлар олиб борилмоқда. "Жиззах" МИЗ маъмурий кенгаши томонидан жорий йил учун 11 та лойиҳа маъқулланган бўлиб, ҳозиргача олтита лойиҳа амалга оширилди. Жумладан, яқиндагина иш бошлаган "JUITA GULSHANA INVEST" Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонаси Марказий Осиёда ягона саналади. Умумий лойиҳа қиймати уч миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлган корхона Япония технологияси асосида саноатлашган тикув дастгоҳлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Корхона тўла қувватда ишлагач, йилига 15 минг дона замонавий тикув машиналари ишлаб чиқаради ва мамлакатимиз енгил саноати тизими ривожига хизмат қилади.

Ўтган давр мобайнида "Жиззах" МИЗ инфратузилмасини ривожлантиришга жами 68,9 миллиард сўм сарфланиб, қурилиш-монтаж ишлари бажарилди.

ЯНГИЛАНАЁТГАН ШАҲАР

Президентимиз вилоятга ташриф буюриб, фаоллар, тадбиркор ва ишбилармонлар, фермерлар ҳамда ёшлар билан учрашганида вилоятнинг маъмурий маркази — Жиззах шаҳрининг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги салмоқли ўрни ҳақида алоҳида тўхталган эди. Давлатимиз раҳбарининг Жиззах шаҳрини энг намунали даражага кўтариш, шаҳар бош режасига киритилиши зарур бўлган жиддий ўзгаришлар, бунёд этилиши лозим бўлган иншоотлар, йўллар ва кўприклар, хиёбон ва боғлар ҳақидаги қимматли тавсияларини вилоят аҳли зўр мамнуният билан қаршилади.

Шундан сўнг, Жиззах шаҳрида янги бош лойиҳа асосида кенг кўламли қурилиш ишлари бошланиб кетди. Шаҳарнинг марказий кўчалари кенгайтирилиб, замонавий иншоотлар, турар жой бинолари қад ростламоқда. Мустақиллик, Буюк Турон, Шароф Рашидов, Алишер Навоий, Шифокорлар кўчаларида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Йўлларнинг эни эллик метргача кенгайтирилиб, икки томонлама транспорт қатновига мослаштирилиб, ободонлаштирилмоқда. Кўча юзидаги пастқам, кўримсиз уй ва иншоотлар ўрнида замонавий икки-уч қаватли ҳашаматли иморатлар қад кўтарди.

Айни пайтда Жиззах шаҳрининг марказий кўчаларини кенгайтириш баробарида коммуникация тармоқларини замонавий андозалар даражасига келтириш, бир-бирини такрорламайдиган меъморий андозадаги замонавий бинолар, ўндан зиёд хиёбон ва истироҳат боғлари, ўн минг томошабинга мўлжалланган улкан спорт мажмуаси қурилиши ниҳояланмоқда.

"Эски шаҳар", "Кўк бозор" буюм ва деҳқон бозорлари, "Кимёгар" эҳтиёт қисмлари бозорлари бутунлай янгича қиёфа касб этди. Мустақиллик кўчасида олиб борилаётган қурилиш ишларини ҳам шулар сирасига киритиш мумкин. Мазкур кўчадаги 98 та эски бинодаги савдо шохобчалари замонавий кўринишга эга бўлди. Биноларнинг биринчи қавати турли дўкон ва хизмат кўрсатишга мўлжалланган бўлса, иккинчи ва учинчи қаватларида аҳоли турар жойлари ўрин эгаллайди. Кўчаларда йўловчилар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ер ости йўли қурилиб, фойдаланишга топширилди. Йўл четига бетон ариқлар ётқизилиши баробарида пиёдалар учун йўлаклар қурилди, 4,5 километрлик йўл асфалт қилинди.

— Вилоятимизнинг меҳнаткаш халқи амалга ошираётган бунёдкорлик ва яратувчанлик ишлари иқтисодиётнинг барча соҳалари ривожида ўз аксини топмоқда, — дейди вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Нусратулло Пардаев. — Зафаробод тумани ҳудудидаги Пистали тоғ бағрида 116 миллион АҚШ доллари маблағи эвазига Олмалиқ тоғ-кон металлургия комбинати таркибидаги Жиззах цемент заводи, Ғаллаорол туманида умумий қиймати 1,3 миллиард сўмлик йирик саноат корхонаси, Бахмалда лойиҳа қиймати 5 миллиард сўмлик, йилига тўрт минг тонна мева концентрати ишлаб чиқариш қувватига эга ихтисослашган линия ишга туширилди. Жиззах шаҳрида эса лойиҳа қиймати 47 миллион АҚШ доллари бўлган йилига 12 минг тонна пахта толасини қайта ишлаб, 10 минг тонна калава ип, 12,5 миллион дона тайёр трикотаж маҳсулоти ишлаб чиқариш қувватига эга йирик енгил саноат корхонаси — "Жиззахпластекс" фаолияти йўлга қўйилган.

"НАРГИЗА-ТЕКС"НИНГ ШАҲДАМ ОДИМЛАРИ

Нодавлат секторда касаба уюшмалари тузиш, улар билан яқин ҳамкорлик ўрнатиш орқали ижтимоий шерикликни амалга ошириш ва уни такомиллаштириш касаба уюшма ташкилотлари ҳудудий бирлашмаси кенгашининг доимий диққат-эътиборида. Кейинги йилларда тармоқ ва ҳудудий даражадаги ижтимоий шериклик мулоқотлари сезиларли даражада мустаҳкамланиб бормоқда.

Ўзбекистон истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ҳамда "Ўзбекенгилсаноат" давлат акциядорлик компанияси ўртасида 2014-2016 йилларга мўлжаллаб тузилган тармоқ келишуви ижросини таъминлаш мақсадида Ғаллаорол туманидаги "Наргиза-Текс" масъулияти чекланган жамияти касаба уюшмаси хизматига олинди.

Корхонада 185 нафар маҳаллий йигит-қиз доимий иш ўрни билан таъминланди. Уларнинг аксарияти коллеж битирувчилари. Бу ерда асосан болалар учун трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарилади.

Япониянинг "Juki" компаниясидан келтирилган 126 дона сўнгги русумдаги замонавий тикув машиналарида ёшлар меҳнат қилишмоқда.

— Касаба уюшма ташкилоти жамоадаги ҳар бир ишчи-хизматчига зарур меҳнат шароити яратиб берилиши, меҳнатга муносиб ҳақ тўланиши сингари долзарб масалаларни маъмурият билан ҳамкорликда ҳал этмоқда, — дейди корхона касабақўм етакчиси Ш.Қоратоева. — Бу, албатта, иш берувчига ҳам, ишловчига ҳам бирдек фойдалидир.

Яқинда хушхабар тарқалди. "Наргиза-Текс" МЧЖ Франциянинг Париж шаҳрида ташкил этилган танловда "Лидерлик учун юлдуз" номли халқаро ютуқни қўлга киритди. Жорий йилнинг 27-28 июн кунлари бўлиб ўтадиган ушбу тадбирнинг тақдимотида "Наргиза-Текс" корхонаси вакиллари иштирок этишади.

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЯГОНА

Вилоятда учта олий ўқув юрти бўлиб, улардан бири ҳарбий йўналишдаги кадрларни тайёрлашга хизмат қилади. У Марказий Осиё мамлакатларида ягона таълим муассасаси саналади.

Жиззах Олий ҳарбий авиация билим юрти 1994 йилда, мустақил Ўзбекистонимиз эндигина оёққа тураётган бир пайтда истиқлолимизни ҳимоя қилишдек ўта муҳим вазифани бажариш мақсадида ташкил этилди.

Ўқув даргоҳида авиация техникаларини аъло даражада бошқарадиган ва уларга сифатли хизмат кўрсата оладиган юқори малакали мутахассислар тайёрлаб келинмоқда. Вертолёт учувчилари, учиш аппарати ва двигателлари муҳандиси, авиация жиҳозлари муҳандиси, авиация қуроллари муҳандиси, авиация радиоэлектрон жиҳозлари муҳандиси шулар жумласидан.

Ҳарбий ҳаво кучларига офицер кадрлар тайёрлашга қаратилган ўқув-тарбия ишларида замонавий техник воситалардан кенг фойдаланилаётир. Ўқув бўлимидаги мавжуд кафедраларда маъруза синфлари, замонавий ўқитиш воситалари билан жиҳозланган амалий машғулот хоналари, компютер ва интернет синфлари мавжуд.

Курсантларнинг жисмонан чиниқиши учун гимнастика, енгил атлетика, оғир атлетика заллари, замонавий спорт мажмуалари тренажерлар билан жиҳозланган.

БОҒДОРЧИЛИКНИНГ ОЙДИН ИСТИҚБОЛИ

Воҳада интенсив боғ яратишга йил сайин катта эътибор бериб келинмоқда. Шунинг учун ҳам боғ майдонлари тобора кенгаяётир. 2011 йили Сербиядан келтирилган 157,4 минг дона кўчат 118,2 гектар майдонга экилган бўлса, 2012 йили 201 гектарга Полшадан олиб келинган 152,7 минг дона, 2013 йили 126 гектар ерга 92,1 минг дона ниҳол қадалди. Ўтган йили эса 327 гектар майдонга 341 минг туп кўчат ўтқазилди.

Ғаллаорол, Зомин, Бахмал, Фориш ва Янгиобод туманларида қишлоқ хўжалиги экинлари жойлаштирилишини оптималлаштириш натижасида ғалла майдонлари қисқартирилиб, 1588 гектарда маҳаллий, 152 гектарда интенсив боғ, 1519 гектарда токзорлар барпо этилди.

Сўнгги йилларда вилоятда 3100 гектарда маҳаллий боғ, 763 гектарда пакана ва ярим пакана интенсив боғлар, шунингдек, 3107 гектарда токзорлар яратилди. Бунинг натижасида 6090 киши доимий иш ўрнига эга бўлди.

Биргина Бахмал туманида икки юз гектардан зиёд майдонда интенсив боғ ташкил этилиб, яна 104 гектарга кенгайтириш кўзда тутилган.

Туманда жами 3760 гектар боғ, 747 гектар токзор бўлиб, булар халқимиз дастурхони тўкинлигига хизмат қилаётир.

Бундан тўрт йил аввал Ойқор қишлоғида "Agro natural invest" МЧЖ шаклидаги агрофирма ташкил этилиб, 8 гектар майдонга "Жереми", "Фуджи", "Голден Эйпл", "Пинкледи" каби олти турдаги пакана навли 23 минг туп олма кўчати 2х4 схемада экилди. Айтиш керакки, ушбу ниҳоллардан 2012 йили 30 тонна ҳосил олинган бўлса, ўтган йили 200 тонна олма етиштирилди.

Интенсив боғнинг ҳосилдорлиги, меваларининг сифати юқори бўлиб, бахмалликлар унинг ғоят иқлимбоп дарахтлар эканига амин бўлишди. Ойқорлик тадбиркорлар шуни эътиборга олиб, яна ўн гектар ерга беш турдаги пакана навли гилос кўчати экишни режалаштирган.

Шу каби саъй-ҳаракатлар туфайли халқимиз дастурхонини сархил мевалар билан тўлдириш баробарида олис қишлоқ одамларини доимий иш ўрни билан таъминлаш имконияти ҳам яратилди.

Ҳўл меваларни сифатли ва мўл-кўл етиштириб қолмай, уни қиш фаслида ҳам худди ёздагидек эл дастурхонига тортиқ қилиш муҳим. Булар ҳам пухта ўйлаб қўйилган. Яъни туманда 350 тонна сиғимга эга бўлган совутгич қурилмаси ишлаб турибди.

Бахмалликлар бу каби улкан имкониятлар фақат истиқлолимиз офтобининг ҳаётбахш нурларидан эканлигини доимо ҳис қилиб яшайди.

ҲОВЛИ ТЎЙЛАРИ МУБОРАК!

Бугун воҳанинг қай бир гўшасига борманг, намунавий лойиҳалар асосида қурилган бежирим ва кўркам, ўзига хос меъморчилик асосида бунёд этилган турар жойлар эътиборингизни тортади.

Президентимизнинг "Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори асосида 2009 йили вилоятда миллий ва замонавий архитектура ечимини ўзида мужассамлаштирган олтмишта уй қурилган бўлса, 2014 йилда 29 та массивда намунавий лойиҳалар асосида 627 та уй-жой барпо этилди. Бугунгача жами 2292 та шундай турар жой барпо этилиб, уларда ҳовли тўйлари ўтказилди.

Янги массивларда савдо, маиший хизмат мажмуалари, тиббиёт муассасалари, болалар спорт майдончалари, хиёбонлар, газ, сув, электр тармоғи, автомобил йўллари сингари инфратузилма объектларининг ҳам бирваракайига барпо этилаётгани қувонарли ҳол.

Юртимизда 2013 йилнинг апрелида бўлиб ўтган "Замонавий уй-жой қурилиши — қишлоқ жойларини комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгартириш ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш омили" мавзуидаги халқаро конференцияда олтмишдан зиёд давлатдан уч юздан ортиқ олим, мутахассис ва эксперт, мамлакатимизда фаолият юритаётган дипломатик корпус вакиллари иштирок этди. Улар янги мавзеларда истиқомат қилаётган аҳоли турмуш шароити билан бевосита танишди.

— Қишлоқларда юз бераётган ўзгаришлар одамлар онгу шуури, дунёқарашини ўзгартириб, эртанги кунга ишончини тобора мустаҳкамлаётганига чет эллик меҳмонлар ҳам тўла иқрор бўлишганди, — дейди жиззахлик меҳнат фахрийси Баҳром Холмуродов.

Вилоятда намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган уй-жойлар кўлами кенгайиб бормоқда. 2015-2020 йилларга мўлжалланган дастурга мувофиқ жорий йилда 690 та ана шундай янги бинолар қурилиши кўзда тутилган. Шу муддатда жами 4965 та хонадонда ҳовли тўйлари ўтказилади.

Яна бир эътиборли жиҳати, уй-жой қурилишида асосий эътибор маҳаллий қурилиш ашёларидан фойдаланишга қаратилган. Бу эса, ўз навбатида, объектларнинг тез-у соз битиши, таннархини арзонлаштиришга хизмат қилаётир.

Абдуманнап АЗИМОВ,
Жамшид ЭРГАШЕВ,
"Ishonch" мухбирлари

ҲИСОБОТ-САЙЛОВ

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгашининг конференцияси бўлиб ўтди. Йиғилишда тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгашининг Тошкент шаҳри бўйича масъул ташкилотчиси Абдуҳалил Раҳмонов 2013 йил феврал ойидан 2015 йил май ойига қадар амалга оширилган ишлар юзасидан ахборот бериб, навбатдаги вазифаларга тўхталиб ўтди.

БАЖАРИЛАДИГАН ИШЛАР КЎП

— Бугунги кунда тармоқ касаба уюшмаси Тошкент шаҳар ташкилоти тизимида 1060 та бошланғич ташкилот мавжуд бўлиб, аъзоларнинг 78.498 нафарини ишловчилар, 119.506 нафарини олий ўқув юртлари талабалари ҳамда коллеж ва лицей ўқувчилари ташкил этади, — деди ўз маърузасида А.Раҳмонов. — Бундан ташқари, ўтган давр мобайнида 156 та нодавлат сектор корхона ва ташкилотларида бошланғич касаба уюшмалари тузилиб, 748 нафар ишчи-хизматчи аъзоликка қабул қилинди.

Таъкидлаш жоизки, бошланғич ташкилотларда бўлиб ўтган ҳисобот-сайловларда 178 нафар касаба уюшма етакчиси янгидан сайланди.

Ҳисобот даврида жамоа келишувлари ва шартномалари орқали тармоқ ходимлари ҳамда талаба ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида 5.354.112 сўм сарфланди, яъни ҳар бир ходимга қўшимча имтиёзлар ўрта ҳисобда 853.300 сўмни ташкил этди.

Тадбир асноси тармоқ касаба уюшмаси Тошкент шаҳар ташкилотининг устувор вазифалари белгилаб олинди. Барча таълим, фан ва маданият муассасаларида касаба уюшма ташкилотлари тузилишига эришиш, давлат ва ижтимоий дастурларнинг ҳаётга татбиқ этилишида янада фаол қатнашиш шулар жумласидандир.

Маруза юзасидан тармоқ касаба уюшмаси Миробод туман кенгаши раиси Назира Насриддинова, «Ўзбекдавлатцирк» касаба уюшма қўмитаси раиси Бахтиёр Холмирзаев, Тошкент молия институти касаба уюшма қўмитаси раиси Зокир Йўлдошев ва бошқалар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Якунда тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгаши Қурултойи ҳамда Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси конференциясига делегатлар сайланди.

Конференция ишида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси ўринбосари Бахтиёр Маҳмадалиев қатнашди.

Неъмат РАФИҚОВ,
«Ishonch» мухбири

ЯКДИЛЛИК АСОСИДА

Транспорт, йўл, капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари Навоий вилоят бирлашган касаба уюшмасининг II Конференцияси бўлиб ўтди.

Тадбирда қўмитанинг 2014 йил ноябридан 2015 йил май ойигача бўлган даврдаги фаолияти ва галдаги вазифалари тўғрисидаги ҳисоботи эшитилди.

Шундан сўнг бирлашган касаба уюшма қўмитаси аъзолари очиқ овоз бериш йўли билан сайлаб олинди. Янги таркиб раислигига Бўрибой Ҳожиев номзоди муносиб кўрилди.

Шунингдек, Навоий вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг Конференцияси ҳамда тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгаши Қурултойига делегатлар сайланди.

Якунда тармоқ касаба уюшмаси олдида турган устувор вазифалар ҳақида Республика Кенгаши бош мутахассиси Азимжон Мирзажонов маруза қилди.

Ўз мухбиримиз

ЭЪТИРОФ ИЗЛАНИШГА РУҲЛАНТИРДИ

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Ҳозирда нафақат таълим тизими, балки бошқа қатор танловларда ҳам билимимни синаб кўряпман. Хусусан, "Парламентаризм — 2014" онлайн танлови, "Камолот" ЁИҲнинг "Энг намунали бошланғич ташкилот" кўрик-танлови ҳамда Ўзбекистон халқ демократик партияси томонидан ўтказилган "Ёш сиёсатчи — 2015" танловининг вилоят босқичида ғолиб бўлдим. Албатта, саъй-ҳаракатларим эътиборсиз қолаётгани йўқ.

Ўқитувчилар ва мураббийлар куни муносабати билан Ўрта махсус, касб-ҳунар таълим маркази ҳамда Қашқадарё вилоят ҳокими томонидан фахрий ёрлиқлар билан тақдирландим.

Кези келганда таъкидлашни истардимки, жамоадошларим касаба уюшма томонидан ўтказилаётган танловларда фаол қатнашиб келаётир. Масалан, стол тенниси, шашка, веломарафон турлари бўйича оммавий спорт тадбирларида фаол қатнашган ҳамкасбларимга волейбол бўйича республика миқёсида фахрли 1-ўринни қўлга киритиш насиб этди.

Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан сўнгги йилларда бошланғич касаба уюшма ташкилотларига катта эътибор берилмоқда. Буни амалда ҳис қилиб турибмиз. Жамоамиз аҳил, шу боис ҳар бир ташаббус ҳамжиҳатликда амалга оширилаётир. Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши томонидан ўтган йил ўтказилган "Энг намунали бошланғич ташкилот" кўрик-танловида коллежимиз ғолиб бўлганлиги ҳам бежиз эмас.

Хуллас, ҳар бир куни муваффақият билан ўтаётган жамоада меҳнат қилаётганимдан фахрланаман. Осмони мусаффо Ўзбекистоннинг бахтли қизи сифатида қалбим ифтихорга тўлади.

Нодира УМИРОВА,
Муборак ижтимоий-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи кафедра мудири

ТАНЛОВ

"Энг намунали бошланғич ташкилот" кўрик-танлови йилдан-йилга мазмунан бойиб бормоқда. Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Когон шаҳар кенгаши томонидан республика кўрик-танловининг дастлабки босқичи ўтказилди.

ДАСТЛАБКИ БОСҚИЧ

Танловни ўтказиш бўйича ишчи гуруҳи томонидан шаҳардаги тармоққа қарашли 34 та бошланғич ташкилот фаолияти ўрганиб чиқилди. Унда иштирок этган ташкилотлар томонидан касаба уюшма иш жараёнининг барча йўналишларини акс эттирувчи тақдимотлар тайёрланди, кўргазмалар ташкил этилди. Ташкилотлар фаолияти белгиланган мезонлар асосида баҳоланди.

Аъзолари 100 нафардан ортиқ бўлган ташкилотлардан Когон шаҳар 7-умумтаълим мактаби, аъзолари 100 нафарга етмаган ташкилотлар ўртасида 4-умумтаълим мактаби касаба уюшма ташкилоти танлов ғолиби деб топилди ва кейинги босқичда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлди.

— Касаба уюшма ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш борасида олиб борилаётган ишлар кучимизга куч қўшмоқда. "Энг намунали бошланғич ташкилот" кўрик-танловининг ҳар жиҳатдан пухта тайёргарлик билан ўтказилиши, ташкил этилган кўргазма ва тақдимотлар орқали касаба уюшма қўмиталари тажрибасини ўргандик. Тадбир катта бир мактаб бўлди, — дейди 4-умумтаълим мактаби касаба уюшма қўмитаси раиси Маъмура Муқимова.

Райҳон НОСИРОВА,
тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгашининг Бухоро вилояти бўйича масъул ташкилотчиси

ОМАД ЁР БЎЛСИН

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари тармоғи бўйича Жалақудуқ туман тизимидаги "Энг намунали бошланғич ташкилот" танлови ғолиблари аниқланди.

Тармоқнинг туман кенгаши томонидан ташкил этилган танловда 10 дан зиёд бошланғич ташкилот қатнашди.

Натижалар сарҳисоб қилиниб, аъзолари 100 нафардан кўп бўлган бошланғич ташкилотлар ичида "Алёртекс" қўшма корхонаси юқори балл тўплаб, кейинги босқич йўлланмасини қўлга киритди. Аъзолари 100 нафардан кам бўлган бошланғич ташкилотлар орасида "Жалақудуқ туман савдо ва ишлаб чиқариш" МЧЖ касаба уюшма қўмитасига ғолиблик насиб этди.

Кўрик-танлов шарофати билан корхона, ташкилот ва муассасаларда ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш, уларга етарли меҳнат шароити яратиш, жамоа шартномаларида белгиланган имтиёзлардан фойдаланиш масалаларига эътибор янада кучайди.

Б.ҲАМДАМОВ,
Тармоқ Республика кенгашининг Андижон вилояти бўйича масъул ташкилотчиси

2015-yil 23-iyun, seshanba, № 76 (3581), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

«САХОВАТДА ҲИКМАТ КЎП...»

дейди Умар ҳожи бобо ҚАНДОВ

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

— Тинчлик, хотиржамлик Аллоҳ таолонинг буюк неъматларидан биридир. Шу боис Парвардигори олам тинчликни сақлаш ва қадрлаш вазифасини одамлар зиммасига юклаган. Ҳадиси шарифда айтилганидай «икки неъмат борки, кўпчилик инсонлар унинг қадрига етмайдилар, бу хотиржамлик ва сиҳат-саломатликдир». Юртинг тинч бўлмаса, кечалари хавотирда тонг оттирсанг, кўнглингга ҳеч нарса сиғмайди, — дейди отахон. — Хотиржамликда хосият бор. Киши хотиржам бўлсагина ишида барака бўлади, еган-ичгани юқади.

— Ҳожи бобонгиз айтгандек, кўнгил хотиржамлигида ҳикмат кўп. Мен сизга айтсам, фарзандларимизнинг орзу-ҳавасини қилиб, элга қўшганча, қанча қийналганмиз. Ҳеч эсимдан чиқмайди, колхозда ойлик деган нарса йўқ эди, йилда бир марта йиллик маош олардик. Болалар ёш, ейман-ичаман, кияман дейди, хуллас, рўзғордан қисилиб қолдим. Чиройли жияклар тўқидим, унинг ёнига чақалоқларнинг қалпоғию кўйлакчасини тикиб бозорга олиб чиқдим. Бир пасда нарсаларимнинг ярмидан кўпини сотдим. Ердан чиқдими, осмондан тушдими, солиқданмиз, деб икки одам келиб, нарсаларимниям, ўзимниям идорасига олиб кетишди... Ўшанда жуда хўрланиб йиғлаганман. Қаранг, қандай замонларда яшаган эдик... Бугун эса фарзандларимиз тадбиркорлиги-ю ҳунарлари орқасидан қўша-қўша иморатлар қуришяпти. Бу неъматлар шукронасини қилишимиз шарт.

Ҳожи бобо кампирининг гапидан таъсирланибми ёки бир воқеа эсига тушдими, суҳбат тизгинини яна қўлга олди:

— Болалигимиз уруш даврига тўғри келди. Бирор кун боладай йиғлаб ўйнаганимни эслай олмайман. Бола бўла туриб қариб қолгандек эдик.

— Айтсам, биров ишонмайди, — бобонинг сўзини давом эттирди ҳожи она. — Муборак рамазон ойи эди ўшанда: Сарвар бибимга қўшилиб рўза ният қилдим. 10-синфда ўқиймиз. Синф раҳбаримиз сув олиб келиб ҳаммамизга ичириб чиқди. Мен рўза тутганман, деб ичмадим. Аммо мажбур қилишгач, ноилож қолдим...

— Аллоҳга беадад шукроналар бўлсинки, мустақиллик берган саодатдан баҳра олиб яшаяпмиз. Мадраса-ю масжидлар, зиёратгоҳлардан бугун одамлар юрагига яхшилик ва меҳр-оқибат шуъалари оқиб кираяпти. Айниқса, Рамазон ва Қурбон ҳайити байрам сифатида дам олиш куни деб эълон қилиниши, инсоний фарзимиз ҳисобланган ҳаж маросимини ўтказиш борасида кўрсатилаётган ғамхўрлик халқимизни руҳан поклади. Ҳар йили қанчаданқанча юртдошларимиз ҳаж амалларини бажариб, ҳожи бўлиб юртимизга қайтаётгани муқаддас динимизга катта эътибор берилаётгани туфайлидир. Бувингиз билан бизга ҳам ана шу ғамхўрлик ва имкониятлар туфайли улуғ зиёрат насиб этди. Раҳматли қайнота, қайнонам ҳаж зиёратини бир умр орзу қилиб яшаб ўтиб кетишди. Улар ниятлари ушалмаслигини билиб ўндан ортиқ етимесирнинг бошини силаб, уйлантириб, уйли-жойли қилишди. Қўли калта бева-бечораларга, рўзғори юпунларга уй қуриб беришди. Хуллас, савобли ишларини ҳаж йўлидаги эҳсон деб билишди.

Ҳожи бобо телефон қўнғироғига жавоб бераркан, ҳозироқ етиб боришини айтди...

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Шофиркон туман кенгаши раиси Ёқуб Эргашев отахонни ҳурмат билан кутиб олди.

— Нуронийларга эътиборларингиз таҳсинга лойиқ. Эркин Каримовнинг 80 йиллик юбилейини уюштириб зўр иш қилдингиз. Бундай асл, элпарвар одамлар ҳар қанча эъзозга лойиқ. Ҳа айтганча, кексалар учун тарихий шаҳарларга саёҳатлар уюштириб катта савобга қолаяпсизлар, — деди Умар ҳожи салом-аликдан кейин. — Улуғ зиёратгоҳларда туриб боболар хайрли ишлар сардорлари қатори одамлар суянчи ва ғамхўри бўлган касаба уюшмасини ҳам дуо қилишаяпти. Кўрдингизми, яхшиликдан яхшилик кўкаради, дегани ана шу бўлади.

Кенгаш раиси ҳожи бободан муборак Рамазон ойи муносабати билан кимларга меҳр-оқибат кўрсатса хайрли бўлишини сўради.

— Муқаддас китобимиз Қуръони Каримда шундай марҳамат қилинган: «Сиздан (Эй, Муҳаммад) кимга эҳсон қилишни сўрайдилар. Айтинг: ниманики хайр-эҳсон қилсангизлар, ота-она, қариндошлар, етимлар, мискинлар ва мусофирларга қилингизлар! Ҳар қандай қилган эҳсонларингизни Аллоҳ билиб тургувчидир». Имом ал-Бухорий ҳадисларида эса «Беморларни зиёрат қилинглар, очларга таом беринглар, қарздорларга қарзларини узишга ёрдам беринглар», дейилган. Негаки, кўнгли ярим инсоннинг қалби мусаффо бўлади, ҳамиша ўз ҳолларини Аллоҳга арз қилиб туради. Худони сизу биздан кўра кўпроқ эслайди. Шу боис доулари мақбул бўлиши ҳақиқатга яқиндир. Уларга меҳр-мурувват кўрсатиб, дуо олган инсон икки дунёда ҳам камлик кўрмайди.

Ҳожи бобо шу куни полиомиелитга чалиниб, меҳнатга лаёқатсиз бўлиб қолган узоқ қариндоши Ҳалимахоннинг хонадонида бўлиб, уни муборак Рамазон ойи билан қутлаб, йиғиб қўйган пенсия пулидан ҳадя қилди. Икки дилбандидан бевақт айрилиб, ёлғиз қолган Гуландом ая хонадонида бўлди. Ўтганлар руҳига тиловат қилиб, кексайиб қолган онага руҳий далда берди. Бемор ётган биродаридан ҳол сўрашни ҳам унутмади. Юз ёшга яқинлашиб қолган Ҳикоят бувининг дуосини олди. Бу орада 2-3 таъзиядор хонадонларга кириб чиқди. Йўл-йўлакай одамларнинг рўза тутиш, закот, фидя, фитр каби амалларнинг бажарилиши ҳақидаги саволларига жавоб бериб, ифторликни ихчам ўтказиш бўйича насиҳат қилди.

Ҳар куни шу аҳвол, бобо бир дам тинмайди, гоҳ етти пирнинг бири бўлмиш Хожа Ориф ар-Ревгарий — Моҳитобон зиёрат мажмуасида ободонлаштириш ишларига бош-қош бўлса, гоҳ маҳалласидаги кўчани асфалтлашга, гоҳ ўзидек табаррук ҳожи боболар ҳузурига ошиқади.

Қарангки, бобонинг умр йўлдоши Ўғилой ҳожи она 1945 йил 9 май — Ғалаба куни таваллуд топган. Яқинда 70 ёшга тўлди. Хотира ва қадрлаш куни хонадонида катта тўй бўлди. Ғани жиянининг хотини доира чертиб, бухороча термалару қўшиқларни чунонам маромига келтириб айтдики, оддий қишлоқ аёлининг ширали овозидан нафақат санъаткорлар, Тошкенту Самарқанддан келган меҳмонлар ҳам ҳайратга тушиб, телефонларига ёзиб олишди.

— Мустақиллик менга қайта куч берди, — дейди ҳожи она. — Шукур, армоним ушалди. Уч қизим Зулхумор, Зулфия ва Зубайда тадбиркор. Усмонжоним давлат ишида ишлаб, пенсияга чиқди. Бухоро шаҳрида ҳовлиси, элга наф келтирадиган мол-мулки бор. Уч ўғли ҳам отамиздай бўламиз, деб китобдан бош кўтармайди. Ҳайдаржоним — ҳунарманд. Неваларим сафга кириб келаяпти. Барининг мулки дахлсиз, ҳаёти муҳофазаланган. Шу боис меҳнат улар учун машаққат эмас, фароғат. Ишидан баҳра олган одамгина ана шундай меҳнатни роҳатга айлантиради.

Онахонннинг гаплари замирида кечаги куннинг сурати, бугуннинг шукронаси-ю, ички бир ғурурни ҳис қилиб севинасан, киши.

Уларнинг катта ўғли Усмонжон ота-онасига тортган. Қариндошлар орасида бировнинг хасталигини эшитса, бориб кўнглини олади. Ҳамият кўрсатади. Унинг саховатида миннат йўқ, иноят, шафқат бор. Ўнг қўли берганидан чап қўли бехабар. Байрамларда совға, деб қариндош-уруғ, яқинлари қатори етимесирлар, ёрдамга муҳтожларга меҳр-оқибат кўрсатади. Ўғилларининг мурувватидан ҳожи бобо, айниқса, хурсанд бўлади. Саховатда, яхшиликда ҳикмат борлигини ўғлига таъкидлашдан чарчамайди.

Ҳа, Умар бобо, Ўғилой бувидек дуоғўй, табаррук, доно нуронийларимиз бор экан, фазилатли инсонлар кун сайин кўпайиб бораверади.

Амина ҚОДИРОВА,
«Ishonch» мухбири

ОЛАМ ВА ОДАМ

Плутоннинг рангли тасвири

НАСА мутахассислари биринчи марта Плутон сайёрасининг рангли тасвирини оммага тақдим этди. Шунингдек, сайёра йўлдоши — Хароннинг Плутон атрофида ҳаракатланиши ҳам тасвирга олинган. Бу ҳақда агентликнинг расмий сайти хабар тарқатди.

Олимлар бу янгиликни оламшумул дея баҳолашмоқда. Сабаби, бунгача сайёранинг рангли тасвири мавжуд эмасди. Тадқиқотга раҳбарлик қилган Алан Стерннинг маълум қилишича, Плутоннинг ташқи кўриниши апелсин рангига ўхшаш, Харон эса — кулранг.

Сайёрани тасвирга олишга ихтисослаштирилган New Horizons аппарати Плутонга 2015 йилнинг 14 июлида максимал даражада (12,5 минг км.) яқинлашади. Ўшанда янада ёрқинроқ суратларни олиш режалаштирилмоқда.

New Horizons — Плутон учун махсус ишлаб чиқилган, Койпер белбоғи бўйлаб ҳаракатланувчи махсус қурилмадир. Тадқиқотнинг биринчи босқичида олимлар сайёранинг атмосфераси ва ташқи кўринишини ўрганишади. Шунингдек, Плутоннинг йўлдошлари тадқиқ этилади. 2020-йилларга бориб, Койпер белбоғи ва Қуёш системасидаги бошқа сайёраларни ўрганиш бошланади.

50 нафари соғлом экан

Жанубий Корея Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳисоботида қайд этилишича, мамлакатда MERS вируси қурбонлари сони 27 нафарга етган. Бу ҳақда Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти хабар берди.

Шунингдек, айни вақтда вирусга чалинганлар 166 кишини ташкил этмоқда. Ўз навбатида, хасталикка чалингани гумон қилинган 50 нафардан ортиқ кишининг соғломлиги аниқланиб, уларга жавоб берилган.

Саратон 3 дақиқада аниқланади



Япониялик олимлар бир томчи қондан 3 дақиқа ичида онкологик касалликни эрта босқичида аниқлаш имконини берадиган технологияни яратишди. Бу ҳақда hi-tech.ru хабар бермоқда.

— Технология бир томчи қон орқали хавфли шиш мавжудлигини ва ошқозон, йўғон ичак ҳамда ошқозоности бези саратонини эрта босқичида, бор-йўғи 3 дақиқада аниқлашга имкон беради, — дея маълум қилди MYTECH компаниясининг илмий ходими Кацуюки Хасэгава.

MYTECH компанияси Сёва университети қошидаги Тоёсю шифохонаси билан биргаликда ушбу технологияни яратди. Компания бунинг учун махсус таркибга эга металдан пластина яратди. Пластинага жойлаштирилган хавфли шишга эга беморнинг қон томчиси ултрабинафша ва бошқа турдаги нурланишлар билан ишланганда ёруғланишни бошлайди, хавфсиз шишга эга беморнинг қони эса ёруғлик тарқатмайди.

Бу усулни клиник шароитларда қўллашни бошлаш учун бир йил кифоя қилади, дейилади хабарда.

Интернет материаллари асосида
А.АРСЛОНОВ тайёрлади.

ЁЗ — 2015

«МЕҲНАТ-РОҲАТ» ҚУЧОҒИДА ЗАВҚЛИ ОНЛАР

Марғилон шаҳридаги 1-«Меҳрибонлик» уйининг Қувасой шаҳрида жойлашган «Меҳнат-роҳат» соғломлаштириш оромгоҳи тарбияланувчиларни ўз бағрига олди. Мавсум арафасида оромгоҳ бинолари қайта таъмирланиб, замонавий қиёфа касб этди. Мароқли ва мазмунли дам олиш учун зарур шарт-шароит яратилди. Ҳудудда кенг кўламли ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди.

Оромгоҳда саккиз нафар мураббий-тарбиячи болажонларнинг бўш вақтида турли кўнгилочар тадбирлар, спорт мусобақалари, викториналар ташкил этмоқда. Ахборот-ресурс маркази томонидан «Энг фаол китобхон» кўрик-танлови ташкил этилиб, ғолибларга янги китоблар совға қилинди.

«Биз буюк юрт фарзандларимиз» шиори остида ўтган маънавий-маърифий тадбирда ёш иқтидор соҳиблари ишлаган расмлар, ҳунармандчилик буюмлари намойиш этилди.

— Оромгоҳимизда шинам ётоқхона, мўъжазгина ошхона, ахборот-ресурс маркази шохобчаси, сув ҳавзалари, спорт майдончалари болалар хизматида, — дейди «Меҳрибонлик» уйи директори К.Ёқубов. — Яқинда Республика болаларининг ижтимоий мослашув маркази томонидан 6 та сўнгги русумдаги компютер жамланмаси, Маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими томонидан 500 минг сўмлик турли адабиётлар ахборот-ресурс марказига топширилди. Дам олиш масканимизда рассомчилик, моҳир қўллар, компютер саводхонлиги, меҳнат, мусиқа каби ўнга яқин тўгараклар фаолият кўрсатмоқда.

Шунингдек, шахмат-шашка, теннис, волейбол, баскетбол, сузиш, футбол, енгил атлетика бўйича машғулотлар ташкил этилган. Моҳир ошпазлар томонидан тўрт маҳал иссиқ овқат тайёрланяпти.

Яқинда оромгоҳ дам олувчиларидан 30 нафари Фарғона ҳарбий техника лицейига ташриф буюриб, ўқув-амалиёт хоналари, ҳарбий техника воситалари билан яқиндан танишишди. Лицей ўқувчилари билан спортнинг бир неча турлари бўйича мусобақалар ўтказилди.

Қувасой, Марғилон шаҳарлари маданият ва аҳоли дам олиш марказлари, Марғилон шаҳридаги 9- ва 10-мусиқа ва санъат мактаблари, 3-, 8-, 11-, 16-, 6-, 29-умумтаълим мактаблар бадиий ҳаваскорлик тўгараги қатнашчилари навбатма-навбат оромгоҳда бўлиб, болажонларга концерт дастурлари намойиш этишаётир.

Қувасой шаҳри ва унинг атрофидаги зиёратгоҳ ва қадамжолар, хушманзара табиат қўйнига уюштирилаётган саёҳатлар болаларнинг она диёримизга бўлган меҳрини янада оширмоқда.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ,
меҳнат фахрийси

САВОЛ БЕРИНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ

ОТАЛИК ҲУҚУҚИДАН МАҲРУМ ҚИЛИШ ТАРТИБИ ҚАНДАЙ?

Савол: Собиқ турмуш ўртоғим ичкиликбозликка ружу қўйган. Болалари билан учрашганда уларнинг тарбиясига салбий таъсир кўрсатмоқда. Уни оталик ҳуқуқидан маҳрум қилиш учун судга бермоқчи эдим. Бироқ собиқ турмуш ўртоғим алимент тўламайман, дея қўрқитяпти. Шу тўғрими?

Н. САИДОВА,
Сергели тумани

Жавоб: Оила Кодексининг 80-моддасига мувофиқ ота-она ёки улардан бири қуйидаги ҳолларда ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин:

ота-оналик мажбуриятларини бажаришдан бош тортса, шу жумладан, алимент тўлашдан бўйин товласа;

узрсиз сабабларга кўра ўз боласини туғруқхона ёки бошқа даволаш муассасасидан, тарбия, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муассасаси ва шунга ўхшаш бошқа муассасалардан олишдан бош тортса;

ота-оналик ҳуқуқини суиистеъмол қилса, болаларга нисбатан шафқатсиз муомалада бўлса, жумладан, жисмоний куч ишлатса ёки руҳий таъсир кўрсатса;

муттасил ичкиликбозлик ёки гиёвандликка мубтало бўлган бўлса;

ўз болаларининг ҳаёти ёки соғлиғига ёхуд эри (хотини)нинг ҳаёти ёки соғлиғига қарши қасддан жиноят содир қилган бўлса.

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш суд тартибида амалга оширилади.

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинганлар қайси болага нисбатан ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган бўлса, шу болага нисбатан бўлган қариндошлик фактига асосланган барча ҳуқуқлардан, шу жумладан, ундан таъминот олиш, шунингдек, болали фуқаролар учун қонун ҳужжатларида белгиланган имтиёзлар ва нафақалар олиш ҳуқуқидан маҳрум бўлади.

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиниши ота-онани ўз боласига таъминот бериш мажбуриятидан озод қилмайди.

Сабоҳат ЭШМОНОВА,
Чилонзор тумани
ФҲДЁ бўлими мудираси

Реклама ва эълонлар

"FARG'ONA MULK SERVIS" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Савдоларга Қўштепа тумани «Машина трактор парки»АЖга тегишли, қуйидаги автомототранспорт воситалари қўйилмоқда:

1. "ИЖ-2715" русумли, д/р 40653 WAA (15AL781) техник ҳолати носоз, бошланғич баҳоси — 400613сўм;
2. "УАЗ-3303-01" русумли, д/р15 AL 782 техник ҳолати носоз, бошланғич баҳоси — 900310 сўм;
3. "ГАЗ-53 АЦ 4,5" русумли махсус (бензавоз), д/р 40659 WAA техник ҳолати носоз, бошланғич баҳоси — 2107457 сўм;
4. "ГАЗ-52" русумли, д/р 40 658 WAA техник ҳолати носоз, бошланғич баҳоси — 2107457 сўм.

Савдолар 2015 йил 24 июл куни соат 10:00 да бўлиб ўтади.

Талабномалар хабарнома чиққан кундан бошлаб, иш кунлари соат 10:00дан 16:00 гача (13:00 дан, 14:00 гача тушлик) қабул қилинади. Талабномалар қабул қилишнинг охирги муддати: 2015 йил 22 июл, соат 17:00.

Талабгорлар диққатига! Юқорида кўрсатилган автотранспорт воситалари 2015 йил 24 июл кунги савдода сотилмаган тақдирда такрорий савдо 2015 йил 31 июл куни соат 10:00 да бўлиб ўтишини маълум қиламиз. Такрорий савдога аризалар қабул қилишнинг охирги муддати: 2015 йил, 29 июл соат, 17:00.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 30 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "FARG'ONA MULK SERVIS" МЧЖнинг «Халқ банки»нинг Фарғона вилоят филиали амалиёт бўлимидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари лозим:

МФО: 00497, СТИР: 303054753, х/р: 2020 8000 1003 9634 2001.

Манзил: Фарғона шаҳри, Б.Марғиноний кўчаси, 35-уй, 37-хона. Тел: +99895-402-54-75. Гувоҳнома № 1894.

Хизматлар лицензияланган.

«ZARIF SAVDO BIZNES» масъулияти чекланган жамиятига Сергели туман ҳокимияти томонидан берилган (МНВТ (СОАТО) 1726283 XXTUT (ОКОНХ) 71280 STIR (ИНН) 302460494) юмалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши Тошкент вилояти ташкилотлари бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси Жаҳонгир Алиқуловга падари бузруквори

ҲАЙДАР отанинг

вафоти муносабати билан таъзия билдиради.

2015-yil 23-iyun, seshanba, № 76 (3581), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

"ISHONCH" ТАВСИЯ ЭТАДИ

ҚАЙСИ САНАТОРИЙДА ДАМ ОЛГАН МАЪҚУЛ?

Жазирама иссиқ кунларда одамлар соя-салқин, оромбахш масканларга, гўзал табиат қўйнига интилади. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг Санатор-курортлар бошқармаси тасарруфидаги санаторий ҳамда дам олиш уйлари ана шундай сўлим гўшалар сирасига киради. Уларда ҳар йили 100 минг нафарга яқин меҳнаткаш ва уларнинг оила аъзолари мириқиб ҳордиқ чиқаришмоқда.

Хизмат кўрсатишнинг замон талаблари даражасида ташкил этилгани, хусусан, амалга оширилган кенг кўламли бунёдкорлик ишларидан сўнг янгича қиёфа касб этиб, замонавий тиббий техника ҳамда зарур асбоб-ускуналар билан жиҳозлангани санаторийлар нуфузини ошираётир.

Сиҳатгоҳлар манзили, қайси касалликларга ихтисослашганлиги, уларда соғломлаштириш муддати ва албатта, касаба уюшмалари томонидан касаба уюшма аъзоларига ижтимоий суғурта ва аъзолик бадаллари ҳисобидан қопланадиган имтиёзли йўлланмалар кўпчиликни қизиқтириши табиий.

БУНИ ҲАМИША ЁДДА ТУТИНГ!

Бошланғич касаба уюшма қўмиталари орқали касаба уюшма аъзолари ҳар икки йилда бир марта имтиёзли йўлланма олиш имкониятига эга. Бунда йўлланма умумий қийматининг 45 фоизигина тўланади, қолган қисми ижтимоий суғурта ва аъзолик бадаллари ҳисобидан қопланади.

Санаторийларда йўлланмалар билан соғломлаштириш муддати 12 кун. «Оқтош» ва «Зомин» санаторийларида 10 кун.

"АБУ АЛИ ИБН СИНО САНАТОРИЙСИ" МЧЖ — Самарқанд вилоятининг Нуробод туманида жойлашган.

Санаторийда ҳаракат-таянч, юрак-қон томир, асаб тизими касалликлари билан хасталанганлар соғломлаштирилади.

Асосий даволаш омили кучсиз минераллашган (1,2 г/л), машҳур Цҳалтубо курорти суви билан бир хил термал (+37+43С) радонли (20-25 нКи/л), хлорид-сулфат натрий суви ҳисобланади.

Нурбулоқ қўрғончасидан чиқаётган радонли сув даволаш, ичиш, ванна қабул қилишда, шунингдек, ошқозон ва ичакларни ювишда қўлланилади. Диагностика хоналари замонавий ускуналар билан жиҳозланган. Санаторийда физиотерапия, лазеротерапия, умуртқа поғонасини компютер мосламасида чўзиш, парафин-озокерит, даволи балчиқ, даволаш бадантарбия, уқалаш, "Нугабест" ускунасида механамассаж, гиёҳлардан тайёрланган дамламалар, кислородли коктейл, парҳез овқатланиш кенг йўлга қўйилган.

МАНЗИЛ:
104244, Самарқанд вилояти, Нуробод тумани, Нурбулоқ қўрғони. Телефон: (+99895) 509-40-66; 509-40-55; Факс: (0366) 633-34-63; Сайт: www.ibnsino.uz e-mail: sihatgoh_ibnsino@mail.ru.

"БЎСТОН САНАТОРИЙСИ" МЧЖ — Тошкент шаҳридан 30 км. масофада, денгиз сатҳидан 450 метр баландликда, "Бўзсув" ва "Зах" каналлари оралиғида жойлашган. Санаторийда юрак-қон томир, асаб, таянч-ҳаракат тизими ва гинекологик касалликлар билан хасталанганлар соғломлаштирилади.

Ташхислаш учун ултратовуш текшириви, компютерли ЭКГ, ЭЭГ ва колпоскопик текшириш, клиник ва биохимик лаборатория ҳамда барча турдаги тор мутахассислар кўрикларидан фойдаланилади.

Шунингдек, кенг турдаги физиотерапия муолажалари, электронур, лазеротерапия, гидроаэроинизация, "нордик" юриш, стоун терапия, спелеотерапия (тузли ғор), балчиқ ва парафин-озокерит билан даво муолажалари, даволаш бадантарбия, шифобахш гиёҳлардан тайёрланган фитодамламалар ва кислородли коктейллар ҳамда парҳез овқатланиш йўлга қўйилган.

МАНЗИЛ:
102100 Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Байтқўрғон ҚФЙ. Телефон: рўйхатхона (0370) 715-49-90; (0370) 717-07-69; факс (0370) 715-43-11 Сайт: www.buston.uz e-mail: sihatgoh_buston@mail.ru

"БОТАНИКА САНАТОРИЙСИ" МЧЖ — иқлимий ва балнеологик курорт, Тошкент шаҳридан 30 км. масофада, Тёшшон тоғи этакларида, денгиз сатҳидан 570 м. баландликда жойлашган.

Санаторий юрак-қон томирлари, асаб тизими, ошқозон-ичак йўллари касалликларини даволашга ихтисослашган.

Иқлим билан бирга, табиий даво омиллари: термал хлорид-гидрокарбонат натрийли маъданли суви ичилади, ванна ва душлар учун, ичакларни чайиш ва меъдани ювиш мақсадида қўлланилади. Ташхис қўйишда зарур диагностик ва лаборатор текширувлардан фойдаланилади.

Маъданли сувдан ташқари, шифобахш балчиқ, парафин-озокерит муолажалари, кенг услубли физиотерапевтик ускуналарда, электротерапия, лазеротерапия, гидроаэроионизация муолажалари, спелеотерапия (тузли ғор), даволаш бадантарбияси машғулотлари, умуртқа поғонасини компютер мосламасида чўзиш, уқалаш, парҳез овқатланиш асосида даволанилади, шифобахш фиточой дамламалари берилади.

МАНЗИЛ:
111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани Оққовоқ ҚФЙ. Телефонлар: код (0371) ёки (98) 300-86-46; 361-36-77 факс: код (0371) ёки (98) 300-86-46 Сайт: www.botanika.uz e-mail: sihatgoh_botanika@mail.ru

«КОСОНСОЙ САНАТОРИЙСИ» МЧЖ — Наманган вилояти Чотқол тоғ тизмалари этагида, Косонсой дарёси бўйида жойлашган, иқлимий ва балнеологик санаторийдир.

Санаторий ҳаракат-таянч тизими, ошқозон-ичак, асаб, юрак-қон томир аъзолари ҳамда гинекологик касалликлар билан хасталанган дам олувчиларни соғломлаштиришга ихтисослашган.

Ҳавоси тоза, салқин бўлиб, ёзда ўртача ҳарорат (+20 +24)С°, қишда (-1,+1)С° даражани ташкил қилади. Ҳавонинг нисбий намлиги ёзда 40, қишда 60 фоиз. Асосий даволаш омили иқлим ва таркиби сулфат-хлорид-гидрокарбонат-натрийли, ҳарорати (+27С°) бўлган табиий маъданли сувдир. Ушбу табиий маъданли сувдан ичимлик сифатида фойдаланилади ва ванналар тарзида муолажалар қабул қилинади.

Санаторийда шифобахш балчиқ, парафин-озакерит, уқалаш, физиотерапия, даволаш жисмоний тарбияси, фито ва диетотерапия даволаш усуллари кенг йўлга қўйилган.

МАНЗИЛ:
Наманган вилояти, Косонсой шаҳри, Халқлар дўстлиги кўчаси, 21-уй Телефонлар: (0369) 652-11-92, 652-11-97, 652-11-98, 652-12-29 Факс: (0369) 652-11-92 e-mail: sihatgoh_kosonsoy@mail.ru

«ОЛТИНСОЙ САНАТОРИЙСИ» УК — Навоий шаҳридан 80 км. масофада, дарё сатҳидан 400 метр баландликда жойлашган, 80 ўринли балнеологик-курорт.

Санаторий асаб, ҳаракат-таянч, эндокрин, гинекологик, тери, нафас олиш йўллари тизими касалликларини тиббий тиклаш ва профилактик даволашга ихтисослашган.

Асосий таббий омиллари бўлган, гипертермал (+65+75)С° кам минераллашган, таркибида радон, мишъяк, фтор, селен, мис, рух ва хлорид-натрий бўлган маъданли сув ванна ва ичимлик суви сифатида қабул қилинади. Замонавий ташхислаш тиббий ускуналарида текширувлар қилинади. Бундан ташқари, физиотерапия, иссиқ муолажалар, даволаш жисмоний тарбия, умуртқани тортиш муолажалари, уқалаш, механик уқалаш ва парҳез овқатланиш қўлланилади. Турли шифобахш чойлар ва витаминлашган коктейллар фитобарда тайёрланади.

Дам олувчилар барча шароитларга эга бир, икки ва уч ўринли хоналарга жойлаштирилади. Оилавий дам олиш учун коттежлар мавжуд.

МАНЗИЛ:
Навоий вилояти, Хатирчи тумани, Чилаш қишлоғи; Телефонлар: +998(98) 778-77-36; (93)463-14-27; e-mail: sihatgoh_oltinsoy@mail.ru

«СИТОРАИ МОҲИ ХОСА САНАТОРИЙСИ» МЧЖ — иқлимий ва балнеологик курорт. У Зарафшон дарёси воҳасида, денгиз сатҳидан 500 м. баландликда, Бухоро шаҳрининг шарқий чеккасида, Бухоро амирининг собиқ қароргоҳи ҳудудидаги сўлим бир масканда жойлашган.

Даволаш омиллари бўлган иқлими ва сулфат-хлорид натрийли маъданли (+40-42С°) сув-буйрак, асаб ва ҳаракат-таянч тизими ҳамда овқат ҳазм қилиш аъзолари касалликлари билан хасталанган дам олувчиларга ичимлик, ванна, ошқозон ва ичакларни ювиш, гинекологик чайиш сифатида қўлланилади.

Санаторийда замонавий ташхислаш ва физиотерапия, лазеротерапия, балчиқ ва парафин-озакерит билан даволаш, галиоаэротерапия, стоматологик муолажалар, ингаляция, умуртқа поғонасини компютер мосламасида чўзиш, жисмоний тарбия, уқалаш, механик уқалаш, фитобар ва парҳезли овқатлантириш соғлиғингизни тиклаш мақсадларига хизмат қилади.

Ётоқ биноси икки ўринли барча қулайликларга эга хоналардан иборат. Кенг ошхона, клуб, спорт майдончалари, қутубхона, музей, бассейн, сауна сизнинг хизматингизда. Бухоро шаҳрининг тарихий обидаларига саёҳатлар уюштирилади.

МАНЗИЛ:
200126, Бухоро шаҳри, Моҳи Хоса даҳаси, Шифокорлар кўчаси, 30-уй, телефон: (0365) 228-50-26, 228-50-26, 228-50-88 факс: (0365) 228-50-66. sihatgoh_sitora@mail/ru

«ТУРОН САНАТОРИЙСИ» ОАЖ Тошкент шаҳрининг шимоли-шарқий қисмида, дарё сатҳидан 360 метр баландликда жойлашган.

Мазкур санаторий юрак-қон томир аъзолари, асаб тизими, урологик ва гинекологик касалликлари билан хасталанганларни соғломлаштиришга ихтисослашган. Миокард инфарктини кечирган беморлар учун саломатликни тиклаш бўлими фаолият кўрсатмоқда.

Ташхис қўйишда ва даволашда компютерли ЭКГ ва УЗД аппаратлари, клиник ва биохимик лабораториялар ҳамда барча тор мутахассислар фаолият кўрсатадилар.

Иқлим билан даволаш, кам минераллашган хлорид-гидрокарбонат-сульфат-натрийли маъданли ичимлик суви ва суньий радонли маъданли ванналар, бассейн ва душлар, шифобахш балчиқ, умуртқа сувости тортиш хоналари, кислород ингаляцияси хонаси, фитобар, физиотерапевтик, даволаш бадантарбияси, тренажёр зали муолажаларидан фойдаланиш мумкин.

Бундан ташқари, санаторийда ўткир миокард инфарктини кечирган беморлар 2 ойдан сўнг ва кардиохирургик операциялар ўтказгандан кейин тиклаш (реабилитация) бўлимида соғломлаштирилади.

Санаторий ошхонасида парҳез таомлар, "витаминли стол" ташкил этилган.

МАНЗИЛ:
100147, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Шўртепа кўчаси, 159-уй ; телефон: (0371) 266-40-42 (Тошкент). Факс: (0371) 266-40-34; e-mail: sihatgoh_turon@mail.ru

«ҚАШҚАДАРЁ СОҲИЛИ САНАТОРИЙСИ» МЧЖ — денгиз сатҳидан 600 метр баландликда жойлашган, иқлимий-балнеологик сиҳатгоҳдир.

Мусаффо ҳаво, мўътадил иқлим, кам минераллашган хлорид-сульфид, кальций-натрий, магнийли, йод-бромли маъданли сув асосий даволаш омили бўлиб, юрак, қон-томир, ҳаракат-таянч, асаб тизими, овқат ҳазм килиш аъзолари ва гинекологик касалликларни соғломлаштиришда ичимлик суви, ичакларни ювиш, ванна сифатида берилади. Ташхис бўлимида УТТ, ЭКГ, клиник ва биохимик лаборатория ҳамда невролог, гастроэнтеролог, кардиолог, стоматолог, гинеколог, уролог шифокорлари хизмат кўрсатади.

Даволаш бўлимида физиотерапия, лазеротерапия, шифобахш балчиқ, парафин-озокерит, маъданли, гиёҳли, марваридли ванналар, душлар, сув остида умуртқани тортиш, бассейн, сауна, сув остида массаж, даволаш жисмоний тарбия, уқалаш, психотерапия, псаммотерапия, сплеотерапия, дуоденал зондлаш, ичакларни чайиш, парҳез овқатланиш қўлланилади.

МАНЗИЛ:
180104, Қарши шаҳри, Равоқ кўчаси 12-уй. Телефон: (0375) 226-17-26; (+99895) 505-94-98 Факс: (0375) 226-12-91 e-mail: sihatgoh-sohili@mail.ru

«ЧИМЁН САНАТОРИЙСИ» МЧЖ Фарғона шаҳридан 32 км. масофада, Катран-Тау тоғ тизмаси ён бағрида, денгиз сатҳидан 450 м. баландликда, Олтинсой дарёси водийсида жойлашган балнеологик курорт.

Санаторийда, асаб тизими, юрак-қон томир, ҳаракат-таянч тизими ҳамда гинекология, урология касалликлари билан хасталанган дам олувчилар соғломлаштириладилар.

Шифобахш омиллардан — минераллашганлиги турлича бўлган сероводородли маъданли сувдан ванналар, чайишлар ва шунингдек, сульфат-гидрокарбонат-натрийли, кучсиз минерал сувдан ичиш учун фойдаланилади. Балиқли қўлининг шифобахш балчиғи эса аппликация ва галвано-балчиқ усулида берилади.

Санаторийда бугунги куннинг талабларига жавоб берадиган даволаш-ташхислаш хоналари, физиотерапия, лазеротерапия, парафин-озокерит, даволаш бадантарбияси, уқалаш, психотерапия, фитотерапия ва парҳез овқатланиш кенг қўлланилади.

МАНЗИЛ:
113808, Фарғона вилояти, Фарғона тумани, Чимён қишлоғи, Факс: (0373) 352-35-61; sihatgoh_chimyon@mail.ru

«ЗОМИН САНАТОРИЙСИ» МЧЖ — Жиззах вилоятидаги иқлимий курорт, Туркистон тоғ тизмасининг шимолий этакларида, денгиз сатҳидан 2000 метр баландликда, қўриқхона ҳудудида жойлашган. Миллий замонавий меъморчилик анъаналарини ўзида мужассамлаштирган "Катта оқ кема" кўринишидаги дам олиш ва соғломлаштириш мажмуаси, чиройли тоғ манзараси, мусаффо ҳаво, қуёш нурларининг мўллиги, ультрабинафша радиациясининг юқорилиги иқлимий профилактик муолажалар ўтказишга қулай шароитлар яратади.

Санаторийда бронхиал астма, нафас олиш аъзолари ва асаб тизими (функционал) касалликлари билан келган дам олувчилар соғломлаштирилади.

Ташхислашда замонавий тиббий ускуналардан ЭКГ, УТД, мия қон томирларини ЭХО ва ЭЭГ текширувларидан фойдаланилади. Асосий даволаш омили тоғ иқлимидир. Бундан ташқари, физиотерапия, сув билан даволаш (суньий марваридли, йод-бромли, игна баргли ванналар, душлар, сув ҳавзаси, сауна), жисмоний даволаш бадантарбияси, умуртқа поғонасини тортиш, терренкур, уқалаш ҳамда галокамерада муолажалар олинади.

МАНЗИЛ:
Жиззах вилояти, Зомин тумани. Телефон: (+99895) 504-71-35; (+99895) 503-71-35; E- mail: sihatgoh_zomin@mail.ru

«ОҚ-ТОШ САНАТОРИЙСИ» МЧЖ Тошкент шаҳридан 65 км. масофада жойлашган тоғ-иқлимий курорт. Ҳудуди кенг баргли ўрмонзорлар билан ўралган бўлиб, ундан Оқ-тош ва Аюбсой тоғ дарёлари оқиб ўтади.

Даволаш омили — мусаффо тоғ ҳавоси, дарёлардан келадиган табиий гидроионланиш нафас аъзоларининг туберкулёзга алоқадор бўлмаган носпецифик касалликларини соғломлаштиришда самарали таъсир қилади.

Ташхис бўлимида ЭКГ, спирометрия, УТТ, клиник ва биохимик лаборатория ҳамда зарур тор мутахассислар кўрикларидан фойдаланиш мумкин.

Санаторийда дам олувчилар физиотерапия, лазеротерапия, ингаляция, тузли ғор, сув билан даволаш, ванналар (игнабаргли, тузли), парафин ва озокерит билан даволаш, уқалаш, сув ости уқалаш муолажалари, даволаш бадантарбияси, терренкур, парҳезли овқатланиш каби муолажаларни қабул қиладилар.

МАНЗИЛ:
110714,Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Оқ тош қишлоғи, Телефон: (0370) 742-63-38 (Газалкент) Факс: (0-370) 742-63-38; e-mail: sihatgoh_oktosh@mail.ru.

«УМИД ГУЛШАНИ САНАТОРИЙСИ» МЧЖ — Чимён тоғлари этакларида, пойтахтимизнинг шимолишарқидан 18 км. масофада жойлашган.

Санаторий гинекологик, урологик, эндокринологик ва асаб касалликлари билан хасталанган дам олувчиларни соғломлаштириш, бепуштлик сабабларини ташхислашга ихтисослашган.

Санаторийнинг ташхислаш ва даволаш бўлимлари замонавий асбоб-ускуналар: ЭКГ, УТТ, колпоскоп, ИФА, АНДРОГИН аппаратларида чуқур текширувлар ва кенг миқёсда физиотерапия, лазеротерапия, озокерит-парафин, шифобахш балчиқ, психотерапия, даволаш жисмоний тарбия, уқалаш ва парҳез овқатланиш даволаш мақсадида қўлланилади. Турли-туман фиточой ва витаминли коктейллар тайёрлаш учун фитобар мавжуд.

Санаторий ётоқ бўлими барча қулайликларга эга бўлган бир ва икки ўринли хоналардан иборат.

МАНЗИЛ:
МЧЖ 111200, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, А.Навоий кўчаси 1-уй. Телефон: (0370) 956-19-55 (Қибрай); 289-20-92; ФАКС: (0370) 956-19-55; e-mail: sihatgoh_umid@mail.ru

«ХОНҚА САНАТОРИЙСИ» МЧЖ — замонавий архитектура ютуқлари асосида бунёд қилинган, Амударёнинг асосий ирмоғи — Шовот дарёси қирғоғида жойлашган балнеологик курорт.

Мазкур санаторий кардиологик, неврологик, гинекологик, ҳаракат-таянч аъзолари касалликларини соғломлаштириш учун ихтисослашган.

Йод, бром ва бошқа микроэлементлардан иборат маъданли сув шифобахш табиий омил бўлиб, ванналар кўринишида қўлланилади.

Даволаш бўлими замонавий ташхислаш ва даволаш асбоб-ускуналари билан жиҳозланган. Кенг услубда қўлланилаётган физиотерапия, лазеротерапия, даволаш жисмоний тарбия, уқалаш, умуртқа сувости тортиш даво муолажалари ва парҳез овқатланиш соғлиғингизни тиклаш учун самаралидир.

МАНЗИЛ:
220810, Хоразм вилояти, Хонқа тумани, Қирқёп қишлоғи, телефон: (0362) 399-44-76; Факс: (0362) 399-15-86; sihatgoh_xonka@mail.ru

«ЧИНОБОД САНАТОРИЙСИ» ОАЖ — Тошкент шаҳридаги балнеологик балчиқли курорт бўлиб, дарё сатҳидан 450 метр баландликда жойлашган.

Санаторий — овқат ҳазм қилиш аъзолари, эндокрин ва гинекологик касалликлар билан хасталанганларни соғломлаштиришга ихтисослашган.

Асосий табиий даво омилларига — Тошкент артезиан ҳовузининг термал (+48-50°С) маъданли хлорид-сульфатли-натрий-гидрокарбонатли сувлари ва Балиқли кўлининг шифобахш балчиқлари билан муолажаларни кўрсатиб ўтиш мумкин.

Санаторийда зарур диагностика ва даволаш хоналари мавжуд. Маъданли сувдан ванналар учун, милкни чайиш, ичакни ва меъдани ювиш, дуоденал дренажлар ва даво ичимлиги сифатида фойдаланилади, парафин-озокерит даво усуллари, сув остида душ-массаж, физик воситалар билан даволаш, уқалаш, даволаш бадантарбияси муолажалари қилинади, парҳез овқатлар ташкиллаштирилган.

МАНЗИЛ:
100039, Тошкент шаҳар, Чинобод кўчаси, 88-уй. Телефон: (0371) 212-29-12; 212-38-91; 212-42-39 (Тошкент); *Факс: 212-22-76; sihatgoh_chinabod@mail.ru*

«ЧОРТОҚ САНАТОРИЙСИ» ОАЖ — Наманган шаҳридан 25 км. масофада, Чортоқсой дарёси ёқасида, Чотқол тоғ адирларида, денгиз сатҳидан 650 м. баландликда жойлашган балнеологик ва иқлимий курортдир.

Юрак-қон томир, овқат ҳазм қилиш ва ҳаракат-таянч аъзолари, асаб тизими, гинекологик ва тери касалликлари билан оғриган беморлар учун иқтисослашган бўлиб, ер тубидан қалқиб чиқаётган шифобахш табиий омиллар, яъни йод, бромли ва бошқа кўпгина минералларга бой бўлган термал маъданли сув, ичиш ва ванна даво усуллари билан ўта самаралидир. Шифобахш балчиқ аппликация ва гальвано-балчиқ усулида қўлланилади.

Ўткир миокард инфарктини кечирган беморларнинг соғлиғини тиклаш учун реабилитация бўлими фаолият кўрсатади.

Замонавий ташхислаш ва даволаш асбоб-ускуналари ёрдамида физиотерапия, лазеротерапия, тузли ғор, сув билан даволаш, умуртқа поғанасини чўзиш, даволаш бадан тарбияси, уқалаш, психотерапия, фитобар ва парҳез овқатлар сизнинг соғлиғингизни тиклаш учун фаолият кўрсатади.

МАНЗИЛ:
161004, Наманган вилояти, Чортоқ тумани, А.Сайдалиев кўчаси, 5-уй, Телефон: (0369) 412-64-44, 412-66-02 (Чортоқ) Факс:(0-36941) 26-617. sihatgoh_chortoq@mail.ru

Барча хизматлар лицензияланган.

MUASSIS:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002
2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Bosh muharrir v.b.
Jahongir Sharofboyev

Tahrir hay'ati:
Abdulaziz Abdullayev, To'lqin Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalmenov, Farhod Xanapiyayev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodjayev, Muhabbat O'rmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamadjanov *(bosh muharrir o'rinbosari)*, Akmal Toshev

BO'LIMLAR:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43
Reklama va e'lonlar — 256-87-73

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

HUDUDLARDAGI MUXBIRLAR:
Qoraqalpog'iston Respublikasi — (+998-91) 268-92-32
Andijon — (+998-91) 475-23-60
Buxoro — (+998-93) 653-50-81
Jizzax — (+998-91) 943-67-44
Navoiy — (+998-94) 228-13-00
Namangan — (+998-90) 260-50-77
Samarqand — (+998-93) 352-50-87
Sirdaryo — (+99890) 610-95-55
Surxondaryo — (+998-95) 502-68-99
Farg'ona — (+998-91) 141-27-70
Xorazm — (+998-90) 719-48-00
Qashqadaryo — (+998-91) 467-30-01

Navbatchi muharrir: A.Abdullayev
Navbatchi: N.Mahamov
Musahhih: S.Shodiyeva
Sahifalovchi: H.Abdujalilov

Bosishga topshirish vaqti — **21:30**
Topshirildi — **21:50**
1 2 4 5 6

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Buyurtma Г — 615.
18921 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi: 133